

Янги ўқув йили арафасида

ҚУВОНЧЛАРГА БОЙ ИЛК ҚАДАМ

Болажонларни мактабда қандай совғалар кутмоқда?

Янги ўқув йили яқинлашган сари болажонларнинг ҳаяжони ҳам ортади. Айниқса, мактаб остонасига илк бор қадам қўядиган биринчи синф ўқувчилари учун бу кун умрбод хотирада қолади.

Бу йил юртимизда 795 мингдан ортиқ болани 1-синфга қабул қилиш режалаштирилган. Анъанага кўра, уларга янги ўқув йили бошланишида «Президент совғаси» топширилади. Кичкинтойлар учун эса янги сумка, дафтар-қалам ва бошқа ўқув қуроллари қизгин мактаб ҳаётининг илк қувончларидан бирига айланиши шубҳасиз.

Айни кунларда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳузуридаги «Таъминот ва логистика хизмати» корхонаси томонидан совға жамланмаларини ҳудудларга етказиб бериш жараёни бошланди. Бу йилги жамланмадан 12 турдаги ўқув қуроллари ўрин олган. Улар орасида мактаб сумкаси, дафтарлар, ручка, оддий ва рангли қаламлар, рангли қоғоз, пластилин, расм дафтари, ўчирғич, акварель бўёқлари, елим ва қаламдон бор.

Бу йил жамланмаларни тайёрлашда махсулот сифати ва чидамлилигига алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг учун ўтган йилги ўқув қуроллари юзасидан ота-оналар фикр-мулоҳазалари ва таклифлари ўрганилди. Ҳар бир махсулот белгиланган стандартлар, санитария қоидалари ва меъёрларига мувофиқлиги бўйича текширувдан ўтказилди.

Махсус мактабларда таълим оладиган болалар учун эса алоҳида жамланмалар тайёрланди. Улардаги ўқув воситалари болажонларнинг таълим эҳтиёжларидан келиб чиқиб танланган. Хусусан, заиф кўрувчи ва кўзи ожиз ўқувчилар фойдаланадиган махсус воситалар ҳам жамланмага киритилган.

Бу йилги «Президент совғасининг» яна бир ўзига хос жиҳати – Мустақиллик йилининг 35 йиллиги муносабати билан тайёрланган махсус тасмалар. Уларда давлатимиз герби ва байроғи акс эттирилган. Бу эса мактабга илк бор қадам қўётган ҳар бир бо-



ланинг қўлига тутқазиладиган совғанинг кадр-қимматини янада ошириб, улар қалбида Ватанга муҳаббат, юртга садоқат ва давлат рамзларига ҳурмат туйғуларини кучайтиришга хизмат қилади.

Мутасаддиларнинг маълумотига кўра, ўқув қуроллари 15 августга қадар барча ҳудудларга етказиб берилади. 25 августгача эса 10 минг 225 та давлат мактаби ва 800 дан ортиқ нодавлат таълим муассасасида биринчи синфга қабул қилинган болалар учун жамланмалар тайёр ҳолга келтирилади. «Президент совғалари» «Биринчи кўнгирок» тадбирларидан сўнг тантанали равишда топширилади.

Ҳар бир болани совға билан ўз вақтида таъминлаш учун adm.maktab.uz электрон платформасида мактаблар кесимида ўқувчиларнинг нома-ном рўйхати шакллантирилди.

Янги ўқув йилига тайёргарлик фақат биринчи синф ўқувчилари билан чекланмапти. Айни пайтда 1-4-синфлар учун дарсликлар қайта нашр этилмоқда. Бу жараёнда аввалги нашрларда аниқланган ҳато ва камчиликларни бартараф эттишга алоҳида эътибор қаратилган. Дарсликларни такомиллаштириш ишларига вазирлик ҳузуридаги ишчи гуруҳлар, Фанлар академияси институтларида фаолият юритаётган олимлар ҳам жалб этилди. Улар дарсликлар мазмунини



қайта кўриб чиқиш, аниқланган ҳатоларни бартараф этиш ва ўқув материалларини такомиллаштиришда фаол иштирок этишди.

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим маркази директори Дилшода Норбоева кўра, янги ўқув йилида дарсликлар борасида ҳам қатор янгиликлар бўлади.

– Янги авлод дарсликларини яратиш ишлари давом этмоқда. Президентимиз бу йўналишда олиб борилаётган ишларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келмоқда, – дейди Дилшода Норбоева. – Ўтган йилларда 5-6-синфлар



учун табиий ва аниқ фанлар йўналишида Сингапурнинг етакчи таълим ташкилотлари томонидан яратилган дарсликлар маҳаллийлаштирилган эди. Жорий йилда бу иш 7-синфлар учун ҳам давом эттирилиб, физика, кимё, биология ва математика дарсликлари маҳаллийлаштирилди. Улар янги ўқув йилида ўқувчиларга тақдим этилади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, дарсликлар сифатини ошириш ишлари мунтазам давом эттирилади. Аниқланган камчиликлар ва билдирилган таклифлар ўрганилиб, зарур ўринларда мазмун қайта кўриб чиқилади.

Яна бир муҳим янгилик – сунъий интеллект технологияларини таълим жараёнига босқичма-босқич олиб кириш. Бу йил Хитойнинг филология университети томонидан сунъий интеллект йўналишида яратилган етти жиллик ўқув-методик адабиётлар маҳаллийлаштирилди. Уларда ўқувчиларга сунъий интеллект ҳақида дастлабки тушунчалар беришдан тортиб, технологияни амалиётда қўллаш ва тадқиқ этишгача бўлган кўникмаларни ривожлантириш кўзда тутилган. Энг муҳими, болалар нафақат технологиялардан фойдаланишни, балки сунъий интеллект тақдим этаётган маълумотларни таҳлил қилишни, уларни бошқа манбалар билан таққослашни, танқидий баҳолаш ва шахсий маълумотларни ҳимоя қилишни ҳам ўрганадилар. Бу эса келажак авлоднинг рақамли саводхонлигини ошириш, замонавий технологиялардан онгли ва масъулиятли фойдаланиш кўникмаларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Янги ўқув йили арафасидаги ушбу тайёргарликлар замирида битта эзгу мақсад – ҳар бир боланинг сифатли таълим олиши, ўз иқтидор ва қобилиятини рўёбга чиқариши, келажакка ишонч билан қадам қўйиши учун муносиб шароит яратиш мужассам.

Гулрухбегим ОДАШБОВЕВА
«ISHONCH»

«Ishonch»га жавоб берадилар

МАВЗУ ДОЛЗАРБ, ТАКЛИФЛАР ЎРИНЛИ



ГАЗЕТАМИЗНИНГ 2026 ЙИЛ 16 ИЮЛДАГИ 87-СОНИДА «ОНАЛАРГА «ИҚЛИМ ТАЪТИЛИ» БЕРИЛАДИМИ?» САРЛАВҲАЛИ МАҚОЛА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ЭДИ. УНГА КАМБАГАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА БАНДЛИК ВАЗИРЛИГИДАН КҮЙИДАГИ ЖАВОБ ОЛИНДИ:

Мақолада кўтарилган аномал иссиқ туфайли мактабгача таълим ташкилотлари фаолияти вақтинча тўxtатилган даврда ишловчи ота-оналарнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш масаласи амалдаги меҳнат қонунчилиги нуқтаи назаридан долзарб ҳисобланади.

Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига масофадан туриб ишлаш, иш ҳақи қисман сақланадиган ёки сақланмайдиган таътиллار каби ҳуқуқий механизмлар назарда тутилган бўлса-да, иқлим шароити сабабли болалар бочгалари ёпилган ҳолларда ота-оналарга иш ҳақи сақланган ҳолда махсус таътил бериш ёки компенсация тўлаш тартиби белгиланмаган.

Шу билан бирга, мақолада илгари сурилган «иқлим таътили»ни жорий этиш, қисман ҳақ тўланадиган таътил ёки компенсация механизмларини қонунчиликда мустаҳкамлаш ҳақидаги таклифлар амалдаги ҳуқуқий тартибни такомиллаштиришга қаратилган ташаббус сифатида эътиборга лойиқдир.

Мақолада билдирилган таклифлар учун миннатдорлик билдирамиз. Келгусида меҳнат қонунчилигини такомиллаштириш, хусусан, Меҳнат кодексига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар кириштиш жараёнида мазкур таклифларни белгиланган тартибда кўриб чиқиш ва инобатга олиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Р. ТУРДИБОВЕВА,
Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг



ГАЗЕТАМИЗНИНГ 2026 ЙИЛ 14 ИЮЛДАГИ 86-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН «БЕКАТЛАР ҚАЧОН ОБ-ҲАВО ШАРОИТИГА МОСЛАШТИРИЛАДИ?» САРЛАВҲАЛИ МАҚОЛАГА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЙЎЛ ҲАРАКАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАРКАЗИ МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИАТИДАН КҮЙИДАГИ ЖАВОБ ОЛИНДИ:

Автобус бекатларини замонавий талаблар асосида реконструкция қилиш ишлари айнан йўловчилар учун қулай ва хавфсиз муҳит яратишга қаратилган. Жорий йил бошида ўтказилган хатловда Тошкент шаҳридаги 2 871 та бекатнинг катта қисмида айвон, ўриндик, чиқинди кўтиси, конструкция ва бош-

БЕКАТЛАР БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ЯНГИЛАНАДИ

қа зарур инфратузилма етишмаслиги аниқланган. Шу сабабли уларни босқичма-босқич янгилаш ишлари бошланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 4 декабрдаги ПҚ-368-сонли қарорига мувофиқ 2026–2027 йилларда жами 1785 та бекатни модернизация қилиш, шундан 300 тасини жорий йилда реконструкция қилиш белгиланган. Биринчи босқичда 12 та кўчада жойлашган 310 та бекат янгиланмоқда.

Бекатларни об-ҳаво шароитига мослаштириш масаласи ҳам ўрганилган. Жаҳон тажрибаси таҳлилига кўра, Токио, Осака, Сеул ва Сингапур каби шаҳарларда ҳам автобус бекатларига кондиционер ўрнатилмайд. Асосий эътибор кондиционерли автобуслар ҳаракатини таъминлаш ва йўловчиларнинг кутиш вақтини қисқартиришга қаратилган. Шу билан бирга, аҳоли гавжам ҳудудларда тажриба тариқасида совутиш тизимига эга ёпиқ турдаги бекат-

ларни жорий этиш таклиф этилган.

Бугунги кунда аукцион ёлиби томонидан 250 та бекатга янги конструкциялар ўрнатилган бўлиб, уларни тўлиқ жиҳозлаш ишлари давом этмоқда. Шу билан бирга, ҳозирда қурилаётган бекатларнинг том қисмини кенгайтириш ва уни иссиқда ҳимоялаш масалалари кўриб чиқилмоқда. Жорий йил якунига қадар 496 та модернизация қилинган бекатни фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Х. КАДИРОВ,

Тошкент шаҳрида йўл ҳаракатини ташкил этиш маркази директори

Тахририятдан: ёгин-сочинли, қиш-қировли кунларда бекатларда йўловчилар учун Марказнинг жавобиди қайд этилган қулайликлар қанчалик яратилганини ўрганиш мақсадида мавзуга яна қайтамыз.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган

12 11

рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.

● Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2026 йилнинг январь-июль ойларида жами 7 749 308 нафар сайёҳ Ўзбекистонга ташириб буюрган.

Бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,4 миллион нафарга ёки 22,6 фоизга ошган. Энг кўп сайёҳлар қўшни давлатлар, яъни Қирғиз Республикаси, Қозғистон ва Тожикистондан келган.

● Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг маълум қилишича, 2026 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини қўчириш тўғрисидаги Президент фармонида 31 август – душанба кунини иш ҳафтасининг туридан қатъи назар барча ходимлар учун қўшимча дам олиш кунини деб белгиланган.

Шунга мувофиқ, ҳафтасига беш кун ишловчилар Мустақиллик байрамида кетма-кет тўрт кун (29 август – 1 сентябрь), олти кун ишловчилар эса кетма-кет уч кун (30 август – 1 сентябрь) дам олади.

● Ички ишлар вазирлигининг хабар беришича, биринчи ярим йилликда 9282 та кибержиноят фош этилган, уларнинг 4011 таси вазирлик ташаббуси билан аниқланди. 13 мингдан ортиқ фуқарога 120 миллиард 496 миллион сўмдан ортиқ миқдорда зарар қоплаб берилган.

ИИВ ва Марказий банкнинг қўшма тизими 29 триллион сўм (2,4 миллиард доллар)нинг ноқонуний олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш ва жиноятларга алоқадор 18 838 та банк картасини блоклаш имконини берди.

● Ўзбекистон Олий Мажлиси қўйи палатасида шаҳарсозлик соҳасида қонунчилик талабларига риоя этилишини таъминлаш, ноқонуний қурилишларнинг олдини олишга қаратилган қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Лойиҳада шаҳарсозлик талабларини қўпол равишда бузганлик, яъни ноқонуний қурилишларни амалга ошириш, қурилиш-монтаж ишларини бош режа, мастер-режа ва қурилиш лойиҳаси талабларини бузган ҳолда амалга оширганлик учун жавобгарлик чоралари кучайтирилиши назарда тутилган.

Шунингдек, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳажмдан катта бўлган иморатлар, бино ва иншоотларни ваколатли органни хабардор этмасдан қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари учун ҳам жавобгарлик кучайтирилмоқда.

Хар қандай корхона муваффақияти, энг аввало, унда меҳнат қилаётган инсонлар, улар учун яратилган шароит ва жамоадаги соғлом муҳитга боғлиқ. Шу маънода «Uz-Kor Gas Chemical» корхонаси касаба уюшмаси қўмитаси ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва муносиб меҳнат шароитларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Жамоа аъзоларининг мазмунли дам олиши ва саломатлигини тиклаши учун кенг имкониятлар яратилган. Ху-

Меҳнат ва ҳуқуқ

ХАВФСИЗЛИК ҚОҒОЗДА ЭМАС, АМАЛДА БЎЛСИН

Меҳнат муносабатларида иш ҳақи, иш вақти ёки лавозим каби масалалар жуда муҳим. Аммо ходим меҳнат қилаётган жойда унинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсиз бўлиши керак, деган улардан-да муҳимроқ талаб бор. Меҳнат шартномаси имзоланиши билан иш берувчи зиммасига нафақат ходимга иш бериш ва меҳнати учун ҳақ тўлаш, балки унинг хавфсиз меҳнат қилиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш мажбурияти ҳам юкланади. Шу боис меҳнатни муҳофаза қилиш корхонанинг ихтиёрий танлови ёки қўшимча вазифаси саналмайди. Бу – қонун билан белгиланган мажбурият. Меҳнат кодексининг 352–моддасига кўра, иш берувчи ходимлар учун меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига жавоб берадиган хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитларини таъминлаш шарт. Демак, иш жараёнида хавфсизлик чораларини кўриш, тегишли шарт-шароитларни яратиш ва ходимлар соғлигини муҳофаза қилиш иш берувчининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

МЕҲНАТДА БАХТСИЗ ҲОДИСА ЮЗ БЕРСА...

Иш пайтидаги бахтсиз ҳодиса бир лаҳзада инсон ҳаётини ўзгартириб юбориши мумкин. Бундай ҳолатларда масала фақат жароҳат олган ходимга тиббий ёрдам кўрсатиш билан чекланмайди. Ҳодисанинг сабаблари, хавфсизлик талабларига риоя этилган-этилмагани ва етказилган зарар учун ким масъул экани ҳам ҳуқуқий жиҳатдан баҳоланади.

Агар ходим меҳнат вазифасини бажариш жараёнида жабрланган бўлса, иш берувчининг моддий жавобгарлиги масаласи юзага келади. Бунда ҳодисанинг иш берувчи ҳудудида ёки ундан ташқарида содир бўлгани, ходим хизмат вазифасини бажараётгани ва айрим ҳолларда иш берувчи томонидан берилган транспортдан фойдалангани каби ҳолатлар ҳам инобатга олинади.

Қонунчиликда меҳнатда майиб бўлиш ёки касб касаллиги туфайли ходимга етказилган зарарни қоплашнинг ҳуқуқий механизмлари белгиланган. Жумладан, тегишли ҳолатларда бир йўла тўланадиган нафақа, йўқотилган иш ҳақи ўрнини қоплашга қаратилган ҳар ойлик тўловлар ҳамда қўшимча харажатларни компенсация қилиш назарда тутилади. Зарарни қоплаш масаласи ходимнинг меҳнатда майиб бўлиши ёки касб касаллиги билан боғлиқ ҳолатлар ва қонунчиликда белгиланган шартлар асосида ҳал этилади. Амалдаги қоидаларда, хусусан, меҳнатда майиб бўлганлик ва боқувчисини йўқотганлик билан боғлиқ тўловлар тартиби ҳам белгиланган.

КАСАБА УЮШМАСИ – ХОДИМ МАНФААТИ ҲИМОЯСИДА

Меҳнат хавфсизлигига текширув ёки жаримадан қочиш учун бажариладиган талаб сифатида қараш – нотўғри ёндашув. Зеро, унинг ортида инсон ҳаёти, саломатлиги, меҳнат қобилияти ва оила фаровонлиги турибди. Шунинг учун ҳар бир ташкилотда меҳнат хавфсизлигига оид талаблар қоғозда қолиб кетмаслиги керак. Ходимларга зарур йўл-йўриқлар бериш, хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, иш жараёнидаги хатарларни олдиндан аниқлаш ва уларнинг олдини олиш иш берувчининг кундалик вазифасидир.

Бу жараёнда касаба уюшмаларининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Улар ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, иш жойларида меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тақлифлар киритиш орқали хавфсиз меҳнат муҳитини шакллантиришга қўмаклашади.

Иш берувчи эса касаба уюшмаси органлари томонидан меҳнат қонунчилиги бузилиши юзасидан киритилган кўрсатма ва тақдимномаларни кўриб чиқиши, қоидабузарликларни бартараф этиш чораларини кўриши шарт.

Шу маънода, меҳнат шартномаси имзоланган кундан бошланган масъулиятнинг марказида инсон манфаати туради. Хавфсиз меҳнат – қонун талаби, касаба уюшмалари учун эса ходимнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим йўналишларидан биридир.

Шаҳзодбек РАҲМОНОВ,

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари

касаба уюшмаси Республика кенгаши меҳнат инспекцияси

бош меҳнат техник инспектори

ЖАМОА МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

сусан, корхона миқёсида ўтказилаётган турли спорт мусобақаларида ишчи-ходимлар фаол иштирок этишмоқда. Юртимизнинг диққатга сазовор масканлари ва хорижий давлатларга саёҳатлар ташкил этилмоқда. Жумладан, 23 нафар ходим Грузия ва Мисрға саёҳат қилиб қайтди.

Ижтимоий таъминот жамғармалари ҳамда касаба уюшмаси маблағлари ҳисобидан 72 нафар ходимга санаторий ва дам олиш масканлари учун жами 407,2 миллион сўмлик йўланма ажратилди. Ишчи-ходимларнинг фар-

зандлари эса «Оқ кема», «Чотқол» ва «Орол болалари» оромгоҳларида ҳордиқ чиқарди. Эҳтиёжманд оилаларни қўлаб-қувватлаш мақсадида 116 нафар ходимга жами 89 миллион 250 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди.

Касаба уюшмаси қўмитаси фаолиятида жамоа шартномасини такомиллаштириш, ходимларнинг мурожаат ва тақлифларини ўрганиш, уларга амалий ечим топиш ҳам муҳим ўрин тутди. Бу жараёнда иш берувчи ва ходим ўртасидаги мулоқотни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хавфсиз меҳнат муҳити ўз-ўзидан шаклланиб қолмайди. Бунинг ортида доимий назорат, масъулият ва қонун талабларига қатъий риоя қилиш туради. Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Меҳнат инспекцияси 2026 йилнинг биринчи ярмида Наманган вилояти тиббиёт муассасаларида бу борада қатор амалий ишларни олиб борди.

Жумладан, 14 та тиббиёт муассасасида жамоатчилик назорати ўтказилиб, меҳнат муҳофазасига оид 34 та қонунбузилиш ҳолати аниқланди. Камчиликларни бартараф этиш юзасидан бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар киритилди.

Хавфсиз ишлашнинг муҳим шартларидан бири ходимнинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини яхши билишидир. Шу мақсадда 10 та тиббиёт муассасасида ўқув-семинарлар ташкил этилиб, уларда 464 нафардан зиёд ходим қатнашди. Тадбирларда меҳнат қонунчилиги талаблари, иш жойида хавфсизликни таъминлаш, мавжуд хавф омилларини бартараф этиш ҳамда ходимларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари юзасидан тушунтиришлар берилди.

Жамоатчилик назорати жараёнида тиббий кўрикдан ўтиш мuddати кечиккан 43 нафар ходим аниқланди, уларнинг белгиланган тартибда кўрикдан ўтиши таъминланди. Бунинг учун 5 миллион

САМАРАЛИ МЕҲНАТ ҒАМХЎРЛИКДАН БОШЛАНАДИ

424 минг сўм маблағ йўналтирилди.

Иш жойларидаги шароитларни баҳолаш ва хавф омилларини аниқлашга ҳам жиддий эътибор берилди. Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Наманган филиали, Учқўрғон тумани тиббиёт бирлашмаси, вилоят Фтизиатрия ва пульмонология маркази ҳамда Чуст тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли бўлимларда жами 273 та иш ўрни аттестациядан ўтказилди. Натижада 885 нафар ходимнинг меҳнат ҳуқуқлари тикланди.

Ходимларни шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш масаласи ҳам назардан четда қолмади. Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиалида 1 минг 800 нафар ходим махсус кийим-бош ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланди. Бунинг учун 145 миллион 600 минг сўм маблағ ажратилди.

Қолаверса, меҳнат муҳофазаси фақат ҳимоя кийими ёки техник хавфсизлик коидаларидангина иборат эмас. У, энг аввало, инсон саломатлигига масъулият, унинг меҳнатини қадрлаш ва муносиб шарт-шароитлар яратишни тақозо этади. Шу боис ходимларнинг билим ва қўникмаларини оширишга

ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори талаблари асосида ўқитиш, йўл-йўриқ бериш, билимларни текшириш, малака ошириш ва қайта тайёрлаш ишлари ташкил этилди. 13 та тиббиёт муассасасида меҳнат муҳофазаси бўйича сайланган вакиллар учун махсус ўқув курслари ўтказилиб, 218 нафар вакилнинг малакаси оширилди.

Ходимлар учун қулай меҳнат шароитини яратиш мақсадида 3 та тиббиёт муассасасига 16 та кондиционер ўрнатилди. Меҳнат муносабатлари ва меҳнат муҳофазаси масалалари бўйича келиб тушган 33 та мурожаатнинг барчаси кўриб чиқилиб, мурожаатчиларга ҳуқуқий тушунтириш ва амалий ёрдам кўрсатилди.

Энг муҳими, амалга оширилган барча ташкилий ва амалий чора-тадбирлар натижасида 3 минг 301 нафар ходимнинг меҳнат соҳасидаги қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари тикланди.

Жўрабек БУЛТУРОВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Наманган вилояти бўйича меҳнат техник инспектори

Ички туризм

тарихий ҳудуд сифатида ҳам қадрлидир.

Меҳнат фахрийлари сафар давомида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасарруфидagi «Янгиер» санаторийси фаолияти билан ҳам танишдилар. Шу тарика бир кунлик саёҳат тарих билан мулоқот, унутилмас таассуротлар ва самимий учрашувларга бой бўлди.

Маржона ҲАЙИТБОВЕВА
Сирдарё вилояти

Сўранг, жавоб берамиз...

САВОЛ: Иккнчи гуруҳ нозирониман. Ташкилотимиз яшаётган ҳудудимдан узокроқ жойга қўчгани боис ишга қатнашига қийналыпман. Ишимни масофадан туриб бажариш тартибига ўтказмоқчиман. Бу борада қонун нима дейди?

Феруза РАВИШАНОВА
Тошкент шахри

МАСОФАДАН ИШЛАШДА КИМЛАРГА УСТУНЛИК БЕРИЛАДИ?

ЖАВОБ: Меҳнат кодексининг 458-моддасида айрим ходимларга вақтинча масофадан туриб ишлашга ўтишда устувор ҳуқуқ берилган. Бироқ бу норма табиий ёки техноген ҳалокатлар, авариялар, ёнгин, тошқин, зилзила, эпидемия каби фавқуллода ва алоҳида ҳолатлар юз берганда қўлланилади.

Шундай вазиятларда иш берувчида зарур техник ва ташкилий имконият мавжуд бўлса, ҳомиладор аёллар, 14 ёшгача боласи бор ота-оналар ва васийлар, ногиронлиги бўлган шахслар, ёшга доир пенсионерлар, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсини ёки бемор оила аъзосини парваришлаётган ходимлар вақтинча масофадан ишлашга ўтишда устувор ҳуқуққа эга.

Сизнинг ҳолатингизда эса ташкилотнинг узок жойга қўчгани 458-моддада назарда тутилган алоҳида ҳолатлар қаторига кирмайди. Шу сабаб ногиронлиқнинг ўзи доимий масофавий иш режимига ўтказиш учун асос бўлолмайди. Бироқ Меҳнат кодекси доимий масофадан ишлаш имконини ҳам назарда тутди. Бу ходим ва иш берувчи келишуви асосида меҳнат шартномасига қўшимча келишув киритиш ва тегишли буйруқ билан расмийлаштирилади.

Демак, иш берувчига масофадан ёки аралаш тартибда ишлашга ўтказишни сўраб ёзма мурожаат қилишингиз мумкин. Бунда соғлигингиз ҳолати ва иш жойига қатнашдаги қийинчиликларни ҳам кўрсатиш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, ногиронлиги бўлган шахснинг меҳнат шароитларига доир тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси тавсиялари мавжуд бўлса, иш берувчи уларга риоя қилиши шарт.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

Тадбир

ОИЛАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР БАЙРАМИ



сатган 30 нафар ходим ва уларнинг фарзандлари қатнашди. Дастурлар 7 ёшдан 45 ёшгача бўлган иштирокчилар учун – турли ёш ва қизиқишларни ҳисобга олган ҳолда тузилди.

Фестиваль жамоалар паради ва марафон билан бошланди. Сўнг хотин-қизлар шашка, шахмат ва стол теннис бўйича ўз маҳоратларини синаб кўрдилар. Она ва фарзандлардан иборат жамоалар эса «Тезлик эстафетаси», «Эпчилик эстафетаси», «Моҳир ҳужумчи», «Бир жамоа эстафетаси», «Қаддимизни ростлаймиз,

сакрашни боппай-миз» каби қувноқ шартларда беллашдилар. Ушбу мусобақаларда жамоавийлик, чаққонлик ва бир-бирига ўзаро қўлаб-қувватлаш муҳим аҳамият касб этди. Айниқса, она ва боланинг бир мақсад сари елкадош бўлиб ҳаракат қилиши фестивалнинг оилавий руҳини янада яққолроқ намоён этди.

Болалар учун «Олам болалар кўзида» мавзусида расмлар танлови ҳам ташкил қилинди. Унда иштирокчилар атроф-

муҳит ва дунё ҳақидаги тасаввурларини ранглар орқали ифода этдилар.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ходимлари иштирокида ўтказилган она ва бола китобхонлик танлови эса тадбирнинг маънавий-маърифий мазмунини бойитди. Танлов шартларига кўра, иштирокчилар она ва фарзанд биргаликда мутолаа қилган асарлар мазмунини расмларда акс эттириб, ўқилган китоблар юзасидан савол-жавобларда қатнашдилар. Шу тарика спорт майдонидаги фаоллик мутолаа ва ижод билан уйғунлашди.

Республика финали якунида барча жамоалар махсус диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Дилдора ДЎСМАТОВА
«ISHONCH»



Ўткир РАХМАТ



Кимдир сўрар: «Ватанни, айт, қанча севмоқ керак?»
Бешикдан қабр сари боргунча севмоқ керак,
Ватансизда иймон йўқ, дея кетмиши боболар,
Тилга кириб, то тилдан қолгунча севмоқ керак!

Дунё асли беш кундир, бугун борсан, эрта йўқ,
Ҳар ҳолатинг ўткинчи, гоҳо очсан, гоҳо тўқ,
Лекин ҳар он дилингда ёниб турар битта чўё,
Ҳаёт шаминг ёнгандан сўнгунча севмоқ керак!

Қурт жонидан кечмаса ипакка дўнармиди?
Уруғ ўздан кечмаса чечакка дўнармиди?
Ҳазрат Навоий сўзи юракка дўнармиди?
Мисли куртак қатида — гулгунча севмоқ керак!

Тоҳир Зухро ишқиди дарёларда оққандек,
Фарҳод Ширин кўйида бошин тошга чаққандек,
Қайс Лайли деб тентираб, саҳрода улоққандек,
Ёри деб жондан кечган Мажнунча севмоқ керак!

Ватан недир? Волиданг райҳон эккан тупроқ бу,
Ватан — отанг саждага боши теккан тупроқ бу,
Шаҳид бобонг бағрига қонин тўккан тупроқ бу,
Етти пуштинг дунёда тургунча севмоқ керак!

Дўстлар билан кенгашиб, рақиб билан тергашиб,
Аждодлар тафаккури нарвонига мингашиб,
Ҳақ йўл томон бошловчи Сарбонингга эргашиб,
Шу элда туғилдинг то ўлгунча севмоқ керак!

Бу ўлканинг ўтмишин қуйлади қўп гамгин най,
Ватан чорласа, отлан, хизматига тургин шай,
Бедор бўлсин ҳаёлинг кечами, кундуз демай,
Тафаккуринг, фитратинг ёнгунча севмоқ керак!

Севмоқ илмин қалбингга бахш этганда бўзларинг,
Баралла янграгайдир юрт ишқиди сўзларинг,
Юргунча оёгинг, кўргунча кўзларинг,
Қўксингдаги юрагинг ургунча севмоқ керак!

Неча йилларга етгай бу оташин муҳаббат,
Саркаш руҳинг ҳам топиб осойишталик, роҳат,
Она юрт тупроғига қўшилиб хокинг абад
Ватанда Ватан каби ётгунча севмоқ керак!

Устозлик — шунчаки касб эмас. Бу инсон қалбига илм, тарбия, ишонч ва эзгулик уруғини экиш, уни йил-лар давомида парваришлаб, жамиятга муносиб авлод сифатида қайтариш санъатидир. Шу боис ҳам халқимиз азалдан устозни улуғлаган, унинг меҳнатини энг шарафли ва масъулиятли хизматлардан бири деб билган.

Боевот туманидаги 19-умумтаълим мактаби директори, «Эл-юрт ҳурмати» ва «Меҳнат шухрати» ордени соҳиби Муҳтарам Ҳасанова ана шундай устозлар сирасига қиради. Унинг қарийб ўттиз йиллик меҳнат фаолиятига назар ташласангиз, бир ҳақиқатга ишонч ҳосил қиласиз: яхши устоз ишлаган жойда фақат дарс сифати эмас, муҳит ҳам ўзгаради, фақатгина билим берилмайди, инсон ҳам тарбияланади.

Муҳтарам Ҳасанова йиллар давомида тўплаган бой тажрибаси, талабчанлиги, ташаббускорлиги ва меҳрибонлиги билан нафақат ўқитувчилар, балки ўқувчилар ва ота-оналарнинг ҳам юксак ҳурматини қозongan. Унинг фаолиятига назар ташласангиз, Президентнинг устозларга йўллаган музояатларидан биридаги қуйидаги фикр беихтиёр ёдингизга тушади: «Сизлар дунёдаги энг бебаҳо бойлик ва боқий меросни яратиш, уни халқимизга, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизга безавол етказиш йўлида чинакам фидойилик кўрсатиб меҳнат қилаётган улуг инсонларсиз».

Муҳтарам Ҳасанованинг фаолиятида ана шу «бебаҳо бойлик» — инсон камолотига хизмат қилиш истаги устувор. Унинг учун мактаб фақат дарс ўтиладиган бино эмас, бола меҳнатни ўрганадиган, табиати асрашни ҳис қиладиган, санъат ва хунарга қизиқадиган, меҳр ва масъулиятни англайдиган, энг муҳими, ўз келажагини тасаввур қиладиган катта ҳаёт масканидир. Шу нуқтаи назардан қараганда, Муҳтарам Ҳасанованинг яшил-

Муваффақият — қайта-қайта омадсизликка учраганда ҳам ишончни йўқотмасликдир.

Уинстон Черчилль

ЯШИЛЛИККА УЙҚАШ ЭЗГУЛИК ёхуд машаққатли меҳнати ила мактабни ибрат масканига айлантирган устоз

лик яратиш борасидаги ташаббуслари ҳам оддий кўкаламзорлаштиришдан кўра кўпроқ маъно касб этади. У дарҳол экиш орқали болага меҳнатни, уни парваришлаш орқали масъулиятни, унинг мевасини қўриш орқали сабр ва шукрни ўргатишга интилади.

2005 йили Фарғона вилоятининг Кува туманига бориб, оналик пайванди усулини ўрганиб келди. Шу асосда икки минг туп ўрик кўчати пайванд қилиниб, бу тажриба ўқувчиларга ҳам ўргатилди.

Бугун мактаб боғида мингдан зиёд ўрик дарахти, юзлаб бошқа мевали дарахтлар ҳамда етти мингга яқин арча кўчатлари яшнаб турибди. Ваҳорда бу ер гўё гуллар ва нафосатга бурканган боғни эслатади. Жамоа маҳалла ва ташкилотларга кўчатларни беминнат улашиб, «Яшил макон» гоёсини ҳаётга татбиқ этишга муносиб ҳисса қўшмоқда. Ҳар бир синфнинг ер майдони, ҳар бир ўқувчининг дарахти бор. Болалар уни парваришлайди, меҳнат қилади ва табиатни асраш маданиятини амалда ўрганади.

Ўйил-қизиларимиз табиатни севиб улғайса, келажақда эзгулик уруғини сочади, — дейди Муҳтарам Ҳасанова. — Мактабимизда замонавий инновацион иси-



тиш тизими ишга туширилди. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун АҚШ гранти доирасида 250 минг доллар миқдорида маблағ ютиб олинди. Унинг ишлаш тамойили жуда самарали ва ақлли. Ташқи об-ҳаво шароитини автоматик равишда ҳисобла олиб, иссиқликни метёрида бошқари ва ўз фаолияти ҳақида мунтазам маълумот бериб боради. Натижада мактаб хоналари доимий ва барқарор ҳарорат билан таъминланади. Мазкур инновацион тизимнинг яна бир муҳим афзаллиги шундаки, экологияга зарар етказувчи кўмир ва ўтиндан фойдаланишга эҳтиёж қолмайди. Бу атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва яшил иқтисодиётни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшади.

2024 йилда эса БМТнинг Глобал экологик жамғармаси гранти асосида қиймати 140 минг долларлик қуёш панеллари лойиҳасини ҳам ютиб олган эдик. Бугунги кунда улар мактабнинг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондирмоқда. Ортиқча ишлаб чиқарилгани бошқа ҳудудларга сотилмоқда. Ўндан тушган даромад мактаб эҳтиёжларини қоплашга ҳамда иқтидорли ўқувчиларни стипендиялар билан ра-

батлантиришга йўналтирилмоқда.

Мактабда яшиллик фақат ҳовли кўрки эмас, тарбиянинг бир қисми. Қуёш панеллари электр энергияси манбаи бўлиши билан бирга, экологик тафаккур намунаси ҳамдир. Ақлли иситиш тизими замонавий фикр ва тежамкорлик маданияти ифодаси, ўқувчиларнинг қўл меҳнати билан яратилган буюмлар эса улар нималарга қодирлигини исботловчи далиллардир.

Муҳтарам Ҳасанованинг энг катта бойлиги — мактабдаги 435 нафар ўқувчининг қўзидаги ишонч, 37 нафар ўқитувчининг меҳнатга бўлган иштиёқи, боғдаги минглаб дарахтларнинг яшиллиги ва йиллар давомида уни дуо билан эслайдиган шогирдлари.

Мактабимиз билан фахрланамиз ва уни янада гўзал қилиш учун ҳаракат қиламиз, — дейди ўқувчи Нигина Рустамова. — Дарсдан кейин дарахтлар ва гулларни парваришлаймиз. Уларга меҳрнинг самараси ўлароқ, боғимизга қирган инсоннинг баҳри дили очилади.

Муҳтарам опанинг «Чарчадим», деганини ҳеч эшитмаганмиз. У киши ҳаминша ҳаракатда, ҳаминша изланишда. Бутун жамоага куч ва илҳом бағишлайди, — дейди ўқитувчи Дилшода Матқонова.

Қарачи қишлоғида туғилиб ўсган Муҳтарам Ҳасанова бир мактабни обод қилиш баробарида шогирдлар тарбиялаб, улар орқали эзгуликни келажакка узатади. Шу боис у ишлайдиган илм масканини томон маънода «Ибрат мактаби» дейиш мумкин. Бу даргоҳда кейинчалик ҳам дарахтлар кўкаради, болалар улғайди, орзулар қанот ёзади. Алқисса, эзгу ишлар давом этади.

Комила БОЙМУРОДОВА
«ISHONCH»

Уйроқ ўй

салқин ҳаво, мўътадил муҳит ҳукм суради. Шунга ўхшаш манзарани шаҳар атрофидаги Чор Бақр ва Баҳоуддин Нақшбанд сингари зиёратгоҳ ховузлирида ҳам кўриш мумкин. Бу хавзалар иқлимни бир қадар мўътадил сақлаб қолишга хизмат қилмоқда.

Бухоро шаҳрининг қолган тарихий ва маҳалла ҳудудларига назар ташласангиз, аччиқ манзаранинг гувоҳи бўласиз. Масалан, Жўйбори Калон қизлар мадрасаси олдидаги йирик ва муҳташам ховуз сувсизликдан қараб ётибди. Гавкушон ховузи ҳам чуқур ўрага айланиб қолган. Шаҳарнинг энг кўзга қўринган ёдгорликларидан бири бўлмиш Болохонув мажмуаси ва Хўжа Зайниддин масжиди олдидаги ховузларда ҳам деярли сув йўқ. Мутахассис ва муҳандислар фикрича, ушбу муаммонинг илдизи сув танқислигига эмас, балки ресурсларни нотўғри бошқариш ва лоқайдликка бориб тақалади.

Масалан, Аму-Бухоро ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи ўринбосари, гидротехник-муҳандис Отабек Абдиев замонавий гидротехникада «Ёпиқ циркуляция» деб аталувчи тизим мавжудлигини, унда ховузга бир марта тўлдирилган сув махсус филтрлар ва автоматик насослар ёрдамида узлуксиз айлантирилиб, тозалаб турилишини таъкидлади. Бу жараёнда сув исроф бўлмайди, балки фақат табиий бўғлишни ўрнини тўлдириб туриш учунгина жуда кам миқдорда сув талаб этилади, холос.

Муҳандиснинг қайд этишича, ўтмишда ҳам сувдан фойдаланиш ва экологик барқарорликни таъминлашда ўзига хос маданият бўлган. Илгари ховузлар қазилиб, атрофига мажнунтол ва тут дарахтлари экилган, улар салқинлигини таъминлаган бўлса, тут дарахти ерости сизот сувларининг беҳуда оқиб кетишининг олдини олган. Қишда ховузда сув бўлмаган вақтларда ерости сизот сувлари ушбу ховуزلардан чиқиб турган.

Батзан сув камлигини, уни исроф қилмаслик ёки ховузни тўлдириб, унда сув айланиши жараёнини мунтазам таъминлаб туриш қийинлигини баҳона қиламиз. Аммо халқимизда «Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади» деган пурмаёмо накл бор. Шундай экан, бутун бошли шаҳар ва унинг келажаги учун тарихий ховузларни сувга тўлдириб у қадар енгиб бўлмас муаммо эмас. Хоҳиш бўлса, кифоя.

Биз миллионлаб маблағларни вақтинчалик декоратив лойиҳаларга сарфлаймиз, алоҳида катта ҳаражат талаб этмайдиган, тайёр турган тарихий инфратузилмани тиклашни пайсалла соламыз. Бухоронинг қадимий ховузлари шунчаки музей ёки суратга тушадиган жой эмас, улар шаҳарнинг табиий нафас олиш тизимидир.

Мутасаддилардан баландларовоз ҳисоботлардан амалий ишга ўтишларини сўраб қоламиз.

Дилдора ИБРОҲИМОВА
«ISHONCH»

ШАҲАРНИНГ ҚУРИЁТГАН «ЎПКАСИ»

Ёз келиши билан қадимий Бухоро кўчалари қизиган тандирга айланади. Асфальтдан кўтарилаётган иссиқ шаҳар аҳолиси ҳамда меҳмонларни лоҳас қилади. Қизиқ, бундан бир неча аср илгари — замонавий советиш ускуналари бўлмаган даврларда одамлар жазирамадан қандай сақланишган экан? Жавоби оддий — Бухоронинг ховузлари сув манбаи бўлиш билан бирга, атрофдаги ҳавони салқинлаштириб, ўзига хос микромуҳит яратган.

Афсуски, бугун ана шу ноёб тизимнинг катта қисми тупроққа қўмилиб, йўқолиб кетган. Сақланиб қолганларининг ҳам ичи сув билан эмас, хазон ва қуруқ ўт-ўлан билан тўлган.

— 1920 йилларга қадар Бухорода 114 та очик ховуз бўлган, — дейди тарих фанлари доктори, профессор Ҳалим Тўраев. — Шаҳар атрофидаги экин майдонлари ва боғларни сугориш ишларини микроблар бошқарган бўлса, сув Шоҳрул ва Лайлак, Фошин, Боғидашт, Зарминок, Гулобиён, Қаландархона, Амробош, Жонмурод каби ўндан ортиқ ариқлар орқали шаҳар дарвозасига етиб келгач, назорат ваколати халифа ва раис ўринбосарларига ўтган. Улар шаҳар тартиби, бозорлар ва маҳаллалар соғлом муҳити билан бир қаторда, ховузлар ўз вақтида сув билан тўлдирилишини таъминлашган. Ҳар бир маҳалланинг ўз ховузи, халифа томонидан тайинланган масъул қаровчиси ва машкоблари бўлган. 1620 йилда Нодир Девонбеги томонидан барпо этилган Лабиҳонув каби йирик сув хавзалари Бухоро иқлимни мўътадиллаштириб туривчи табиий советиш тизими вазифасини ҳам бажарган.

Бироқ XX асрнинг 20-йилларида чор Россияси қўшинлари томонидан Бухоронинг шафқатсизларча бомбардирмон қилиниши шаҳарнинг асрлар давомида шаклланган ирригация тизимини издан чиқарди. Ховузларга сув кирадиган ва чиқадиган тармоқлар райрон бўлиши оқибатида сувнинг табиий айланиши тўхтаб қолди. Димқиқ қолган сувларда хавфли ришта касаллиги авж олди. 1925 йилда тўзатишлан текширувлардан сўнг касаллик ўчоғини йўқотиш баҳонасида ховузлар бирин-кетин тупроқ билан қўмиб юборилди. 1927 йилда Арк рўпарасида дастлабки сув минораси қурилиб, марказлашган водопровод тармоғи ўтказилиши билан асрий сув манбалари бутунлай суриб чиқарилди. Оқибатда 114 та ховуздан бугунги кунгача Болохонув, Лабиҳонув, Хўжа Зайниддин, Модари Абдулазизхон, Чор Минор, Сомонийлар, Ҳавзи



нав, Гавкушон, Ситораи Моҳи Хоса, Хўжа Ислон, Баҳоуддин Нақшбанд, Биби Орифа, Чор Бақр ҳамда Ҳазрати Имом ховузларигина етиб келди, холос.

Энди фикримизни тарихий манбалардан бугунги замон иншоотлари томон бурамиз. Бугун молиявий ва технологик имкониятлар беқийс даражада ривожланди. Артезиан қудуқлари, автоматик циркуляция ва автоматик насос тизимлари, филтрация ускуналари ва инновацион сув тозалаш технологиялари мавжуд бир даврда яшаймиз. Аммо негадир Бухорода сақланиб қолган бармоқ билан санарли қадимий ховузларни сув билан тўлдириб ва уларни мўътадил иқлим манбаи сифатида қайта ишлаштириш масъуларининг хаёлига ҳам келмаяпти ёки улар бу ишга ҳаражатли ва аҳамиятсиз иш, деб қарашаяпти. Мутасаддиларнинг бефарқлигини қандай изоҳлаш мумкин?

Эски шаҳар марказидаги Лабиҳонув мажмуасига эътибор беринг. У ерда доим сув бор ва унинг атрофида ҳаминша

Мароқли
дам олинг,
азиз газетхон!



Дадахон Ҳасанов ижросида

«ЁР, СЕНИНГ
ҲИДИНГДАН»

Ёр, сенинг ҳидингдан нафас олсайдим,
Бошидан оёгингга назар солсайдим.
Сенинг огушингда ухлаб қолсайдим,
Дунёда мен каби бахтиёр бўлмас.



MUASSIS:



2007-yil 11-yanvarda
O'zbekiston Matbuot
va axborot agentligida
116-raqam bilan
ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие»
gazetalari tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV

(tahrir hay'ati raisi),

Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OIYIBAZAROVA,
Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),

Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib — «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib — «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farglanishi mumkin.

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti — (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot — (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — (71) 256-85-43
Marketing va obuna — (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati — (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati — (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati — (+998-99) 500-05-12
Jizzax viloyati — (+998-94) 688-00-27
Namangan viloyati — (+998-93) 213-09-66
Samarqand viloyati — (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati — (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati — (+998-91) 193-19-70
Toshkent viloyati — (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati — (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati — (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati — (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir:
G'ulomjon MIRAHMEDOV

Musahhihlar:

Dilorom XUDOYBERGANOVA,
Umida XUDOYBERGANOVA

Sahifalovchi:

Hasan ABDUJALILOV

Bosishga topshirish vaqti — 20:30

Topshirildi — 21:00

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning
seshanba,
payshanba va
shanba
kunlar chiqadi.
Gazeta
«Ishonch»ning
kompyuter markazida
terildi va sahifalandi.

Manzillimiz:

100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail:
ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazetaning
poligrafik jihatdan
sifatli chop etilishiga
bosmaxona mas'ul.
Gazetaning yetkazib
berilishi uchun obunani
rasmilastirtgan
tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 35 006 ta

Shundan: 6 521 nusxasi

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik
kompaniyasi bosmaxonasi —

Toshkent shahri, Buyuk Taron ko'chasi, 41-uyda;

19 294 nusxasi

«Erudit» MCHJ bosmaxonasi —

Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;

9 191 nusxasi

«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi —
Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi,
236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taqob. Buyurtma: G-811

1 2 3 4 5 6